



## САВДО КОРХОНАЛАРИНИ ИННОВАЦИОН АСОСДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

---

*Курбонова Рахима Жамшидовна*  
*СамИСИ, Реал иқтисодиёт кафедраси, и.ф.д.,*  
*Тохинова Гуллола Миркамолевна*  
*Самарқанд темир йўл техникуми услубчиси.*

**Аннотация:** Ушбу илмий мақолада миллий иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида ижтимоий - иқтисодий сиёсатнинг устувор вазифаларидан бири бўлган хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш, сифатли товарларни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш ва сотишда замонавий савдо хизматларини ташкил қилиш ҳамда ушбу хизмат имкониятларидан самарали фойдаланиш, унинг ташкилий - иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** инновация, ислоҳот, савдо хизматлари, Улгуржи ва чакана савдо, ички ва ташқи савдо, “Савдони ривожлантириш компанияси”.

**Кириш.** Мамалакатимизда хизматлар соҳасини инновацион асосда ривожлантириш, яъни ички маҳсулотни яратишда хизматларнинг ўрни ва улушини кўпайтириш, кўрсатилаётган хизматларни, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ислоҳ этиш бўйича тегишли вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли фармони [1] 1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. // Халқ сўзи 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сон. билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” номли учинчи йўналишида белгилаб қўйилган. Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида хизматлар соҳасидаги мавжуд муаммоларнинг ўрганилиши ва уларни ҳал этилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Жумладан, 2017 йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 116 795,7 млрд.сўмни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 10,7 фоизга[2] ошди.



2. Ўзбекистон рақамларда (статистик тўплам). - Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2018, 201 бет.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор вазибаларидан бири хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш, сифатли товарларни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш ва сотишда замонавий савдо хизматларини ташкил қилиш ҳамда ушбу хизмат имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматлари ҳиссасига тўғри келмоқда 27,4 фоиз (транспорт хизматларидан кейин 30,3 фоиз) [3]. 3. <https://stat.uz/uploads/docs/Xizmatlar-uz-12-2017.pdf> . Ҳозирги кунда аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш объектлари "... озод ва обод юртимиз манзарасининг бир қисмига, тинч ва фаровон ҳаётимиз кўзгусига айланиб бормоқда. Айни пайтда бу борада кўп иш қилишимиз кераклигини барчамиз яхши биламиз. ... хизмат ва савдо маданиятини ошириш – энг долзарб масаладир. Бунда айниқса ривожланган давлатлар тажрибасини ҳисобга олиб, замонавий гипермаркетлар тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим" [4]. 4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017, 430 бет.

Ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар, шиддатли тараққиётини кузатсак, деярли барча иқтисодий тармоқ ва соҳаларга инновациялар ҳамда ахборот технологияларининг жорий этилганлигини кўрашимиз. Дарҳақиқат, дунё иқтисодиётида жаҳон фани ва инновацияон фаолият барча соҳа ва тармоқларни изчил ва барқарор тараққиётининг энг муҳим омили саналади. Бугунги кунда дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида инновация ва янги технологияларни жорий этилиши кўплаб муаммоларни бартараф этиш имкониятларини очди, инсон омилини техник-технологик омилар ёрдамида мукамаллаштириш, такомиллаштириш ҳамда иқтисодий жараёнларни тезлаштириш, шунингдек сифатини ошириш қабиларга йўл очди. Мамлакатлар иқтисодиётида савдо корхоналарининг ўрни алоҳида эътирофга лойиқ, чунки қадим – қадимдан буён савдо иқтисодиётни бешиги эканлиги маълум.

Савдо ҳақида — “У ким, бу нима?” 5.QOMUS.INFO луғатида шундай таъриф берилган: **САВДО** —



1) товар муомаласининг бир тури, меҳнат маҳсулотлари ва хизматларни олди-сотди йўли билан айирбошлаш шакли. Бунда товар хариди миқдори, товар сифати, сотишдан олдин ёки кейин хизматлар кўрсатиш, сотиб олинган товар ёки хизмат ҳақини ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва бошқалар шартлашилади;

2) сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги қиймат алмашувига доир муносабатлар. Товар ишлаб чиқариш пайдо бўлиши билан товарларни пул воситасида айирбошлаш, яъни савдо вужудга келган. Халқ хўжалигининг ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида ажралиб чиққан ва товарларни олиш-сотиш ва улар билан боғлиқ хизматлар кўрсатишда воситачилик фаолиятини амалга оширадиган тармоғи. Ишлаб чиқариш билан истеъмолчи ўзаро боғлайди, товарларни сўнги истеъмолчи (аҳоли)га етказишни таъминлайди. Улгуржи ва чакана савдога бўлинади. Улгуржи савдо — товарларни чиқариш пайдо истеъмоли ёки қайта сотиш учун йирик партияларда сотиб оладиган ёки саклайдиган, уларни чакана савдога, истеъмолчи ёки бошқа савдо ташкилотларига сотадиган муассасалар мажмуи. Чакана савдо — бевосита истеъмолчининг пул даромадларига айирбошлаш йўли билан яқка ёки кичикроқ миқдордаги товарларни сотиб охириги истеъмолчига хизмат кўрсатади. Савдо ички ва ташқи савдога бўлинади. Ички савдо бир мамлакат доирасида товар муомаласига хизмат кўрсатади. Ташқи савдо мамлакатлараро товар муомаласини қамрайди.

Мамлакатимизнинг инновацион ривожлантириш шароитида амалга оширилаётган устувор иқтисодий ислохотлар негизида пайдо бўлаётган замонавий иқтисодий муносабатлар савдо корхоналарини инновацион асосда ривожлантиришнинг ташкилий — иқтисодий механизмини такомиллаштиришни, қайта кўришни талаб этмоқда. Савдо хизматларини самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш шакллари кенгайтириш, янги савдо хизматларининг вужудга келишига муносиб шароитлар яратилган, имконият эшиклари очиб берилган. Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий — иқтисодий тараққиёт, ахборот технологияларининг ривожланиши, интернет, техника янгиликларининг ҳаётга тадбиқ этилиши халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш билан бирга аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини ҳам юксалишини таъминлайди.

Давлатимизда фан ва технологияларни ривожлантириш соҳасида зарур инфратузилмаларнинг яратилиши ўтган даврда муайян интеллектуал ва технологик салоҳиятни шакллантирди. Афсуски, инновацион ғоялар ва



технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда бир қанча тизимли муаммоларнинг ҳам мавжудлиги, яратилган имкониятлар ва салоҳиятдан етарлича фойдаланмаслик кўзланган ислохотларнинг самарали амалга оширилишига ҳамда мамлакатимизнинг жадал инновацион ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу тадқиқот савдо корхоналарини инновацион асосда ривожлантиришнинг ташкилий —иқтисодий механизмини такомиллаштиришни, соҳадаги муаммоларни ўрганишга, уларни жаҳон тажрибасига таяниб қайта кўриб чиқишни, унинг натижасида юксак даражада савдо—хизмат кўрсатишни ташкил этишни мақсад қилган. Тадқиқот давомида кузатиш, таққослаш, назарий ва амалий ўрганиш ҳамда анализ —синтез, комплекс ҳамда қийсий таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Савдо корхоналарини инновацион ривожлантиришнинг назарий —меъёрий —ҳуқуқий асосларини таҳлили орқали уларни такомиллаштиришнинг ташкилий —иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш. Жаҳон тажрибасида қўлланаётган инновацион янгиликларни мамлакатимиз иқтисодиётига киритиш жараёнини, улар салмоғини ҳамда иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш. Мавжуд имкониятлар, тараққиётга монёлик қилаётган муаммолар, уларни бартараф этиш, такомиллаштириш, жорий синовлардан, тажрибалардан ўтказиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 март куни имзоланган қарори **7.Президентнинг 14.03.2024 йилдаги ПҚ-126-сонли “Ташқи савдо ва ҳудудий саноатни ривожлантиришда тадбиркорлар бирлашмаларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.** билан Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳамда Экспортни қўллаб —қувватлаш жамғармаси негизида “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ ташкил этилди. Компаниянинг устав капиталидаги давлат улушини бошқариш функцияси ишончнома асосида Савдо — саноат палатасига берилди. Шу билан бирга ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига кўмаклашиш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида юридик шахс ташкил этмасдан очиладиган Савдога кўмаклашиш жамғармасига йўналтирилади. Бу жамғарма маблағларини бошқариш ҳуқуқи ҳам “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖга берилди. Бу орқали лойиҳа тайёрлаш ва экспорт тизими давлатдан тадбиркорлар ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотга ўтиши, натижада уларнинг талаб ва истакларини эшитиш,



муаммоларини ҳал этиш осонлашиши, тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлиги кучайиши таъкидланди.

“Савдони ривожлантириш компанияси” чет элдан малакали дизайнер, технолог ва маркетингларни таклиф этиш орқали халқаро талабларга жавоб берадиган миллий маҳсулотларимизни тайёрлаш, экспорт учун янги бозорларга чиқишга ёрдам бериш, миллий брендларни хорижда тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширади. Компания савдо билан шуғулланувчи тадбиркорларга уларнинг барқарорлик рейтингига қараб субсидия, компенсация ва бошқа шу каби кўмакларни ҳам ажратишни назарда тутган.

“Савдони ривожлантириш компанияси” нинг асосий мақсадлари қаторига нуфузли халқаро брендларни жалб қилиш, ушбу брендлар эгалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун грантлар ажратиш, хорижий маслаҳатчилар иштирокида экспорт тезлаткичларини яратиш киради.

“Савдони ривожлантириш компанияси”, шунингдек, экспорт маҳсулотларини ташиш учун субсидиялар ажратиш, суғурта мукофотларини қоплаш, хорижий офислар, оморлар, чакана савдо биноларини ижарага олиш, уйларни сақлаш ва реклама кампанияларини ўтказиш билан шуғулланади.

Бугунги кунда Савдо-саноат палатаси тизимига 13 та тармоқ ва ишлаб чиқариш бирлашмалари, жумладан, «Ўзтўқимачиликсаноат», «Хунарманд», «Ўзбекипаксаноат», «Ўзчармсаноат», «Ўзелтехсаноат», «Ўзёғмойсаноати», «Ўзсаноатқурилишматериаллари», Ўзбекистон пахта-тўқимачилик уюшмаси, «Ўзбекзаргарсаноати», «Паррандасаноат», «Ўзбекбаликсаноат» кластерлари, Гулчилар уюшмаси ва «Ўзбекистон асаларичилари» қўшилади.

АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳам қўллаб-қувватлаб, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан мамлакатнинг Ташқи савдо режими тўғрисидаги меморандумини ишлаб чиқиш доирасида ҳамкорлик қилди, ЖСТ аъзоларининг саволларига жавоблар тайёрлашда кўмаклашди, 20 дан зиёд қонуннинг қайта кўриб чиқилиши иштирок этди, 1000 варақдан зиёд ҳажмдаги қонунчилик ҳужжатларини таржима қилди ва ЖСТ билан боғлиқ тренинг машғулотларини ўтказди.

USAIDнинг “Рақобат, савдо ва бандлик” лойиҳаси фаолияти доирасида беш йил давомида Марказий Осиё савдо форуми ўтказиб келинган бўлиб, у минтақавий савдони ривожлантиришга қаратилган ҳар йили ўтадиган анъанавий тадбир саналади. Ўтган йиллар давомида Форум кенг тан олинадиган бренд сифатида 16 мингдан зиёд тадбиркор ва давлат



расмийларини ўз атрофига бирлаштириб, муҳим савдо масалалари муҳокама қилинадиган ва минтақавий савдо-сотикни кенгайтиришга хизмат қиладиган шериклик ришталари ўрнатиладиган платформага айланиб улгурди. Форум ўтказилган йиллар давомида унинг доирасидаги тадбирларда 88 миллион доллар миқдоридаги шартномалар имзоланди.

2021 йил 5 октябрда USAID “Марказий Осиёда савдо” лойиҳасининг бошланганини эълон қилди. Қиймати 19 миллион долларга тенг бўлган лойиҳа беш йиллик муддатга мўлжалланган бўлиб, Марказий Осиёнинг бешта мамлакатада амалга оширилади. Лойиҳа USAIDнинг ўтган йиллар давомида минтақада савдо, ишлаб чиқариш ва ўзаро боғлиқлик соҳаларини қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширилган фаолиятига асосланган ҳолда божхона ва чегара тартиб-қоидаларини уйғунлаштириш, давлат билан хусусий сектор ўртасидаги мулоқотни ривожлантириш ва корхоналар ўртасидаги бевосита ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилади.

USAID ўзининг “Рақобат, савдо ва бандлик”, деб номланган беш йиллик минтақавий лойиҳаси якунланганлиги муносабати билан Тошкент шаҳрида 2022 йил 21 январь куни минтақавий савдони ривожлантириш ва бандликка кўмаклашиш соҳасида эришилган натижаларни сарҳисоб қилди.

Ушбу лойиҳа доирасида Марказий Осиё давлатларида экспорт ҳажмини ошириш, мева-сабзавотчилик, транспорт, логистика хизматлари ва туризм соҳаларидаги бандлик даражасини оширишга ёрдам берилди. Савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг минтақа ва ундан ташқаридаги рақобатбардошлигини кучайтириш ва савдо кўламини кенгайтиришга эришилди.

USAID Марказий Осиё мамлакатларида амалга оширилган 34 та инновацион лойиҳага 1.97 миллион доллар миқдоридаги инвестициялар йўналтирди. Лойиҳа доирасида маблағлар мева-сабзавотчилик, транспорт, логистика хизматлари ҳамда туризм соҳаларидаги инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида тузилган Инновация жамғарма орқали кўшма молиялаштириш механизми доирасида ажратилган бўлиб, минтақа корхоналарининг экспорт кўрсаткичларини кўпайтириш, фаолиятини кенгайтириш ва янги иш ўринларини барпо этишга қаратилган. Инновация жамғармаси доирасида хусусий секторнинг 5.89 миллион доллар миқдоридаги инвестицияларини сафарбар этишга эришган, 23 та компания томонидан 634 та янги иш ўрни яратилган, 13 та фирма эса 37 та янги бозорга ўз маҳсулотлари экспортини йўлга қўйволган.



Агентлик минтақада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни яхшироқ тарғиб этиш мақсадида “Марказий Осиё лаззати” брендининг яратилишини қўллаб-қувватлади. USAID томонидан Марказий Осиё мева-сабзавот ишлаб чиқарувчилари ва экспортчилари тўғрисидаги ахборот жамланган виртуал маълумотнома яратилган бўлиб, унинг воситасида бир қатор Европа ва Осиё мамлакатлари харидорлари билан минтақа корхоналари ўртасидаги учрашувлар ташкиллаштирилди ва ўзаро ҳамкорлик ўрнатилди. Айнан ушбу тадбирлар давомида 17.5 миллион долларлик шартномалар имзоланган.

USAID туризм ассоциациялари, миллий туризм қўмиталари ҳамда 400 дан зиёд хусусий сектор вакиллари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиб Марказий Осиё минтақавий туризм брендини яратиш доирасида, USAID туризм ассоциациялари, миллий туризм қўмиталари ҳамда 400 дан зиёд хусусий сектор вакиллари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиб янги бренд сайти яратилган бўлиб, бу сайтга шу кунгача бутун дунёдан 24 миллион марта мурожаат этилган. Шунингдек, USAID “Wide Oyster” сайёҳлик журнали билан ҳамкорликда унинг дунёга машхур онлайн сайёҳлик платформасида нашрининг Марказий Осиёга бағишланган махсус сонини эълон қилди. Сайёҳларни минтақага жалб қилиш мақсадида, USAID томонидан Марказий Осиёнинг тарихий обидалари ва сайёҳларни жалб этиши мумкин бўлган маконларининг 3D кўринишидаги юқори сифатли панорама хариталари жойлаштирилди. Ушбу сайтга бугунгача 2 миллион мартадан кўпроқ мурожаат этилган. Бундан ташқари USAID 31 та пиёда сайр қилиш йўлкаларининг батафсил тавсифини чоп этган бўлиб, бу маълумотлар 2 миллиондан ортиқ сайёҳлар томонидан фойдаланилган. Мана шу каби самарали ҳаракатлар натижасида “Lonely Planet” журнали Марказий Осиёни 2020 йил январисидаги саёҳат қилиш учун энг жозибадор минтақа, деб эълон қилди.

USAID “Транспорт ва логистика шериклиги” уюшмасини тузди, у Марказий Осиёнинг 150 та энг йирик транспорт ва логистика иттифоқлари ва хусусий компанияларни жамлади. Уюшма хусусий сектор вакилларининг савдо тўсиқларини олиб ташлаш, товарлар оқимларини кўпайтириш, минтақанинг рақобатбардошлик даражасини мустаҳкамлаш ҳамда транспорт ва логистика соҳаларидаги бандлик даражасини оширишга қаратилган ислохотларни амалга ошириш йўлидаги тарғибот-ташвиқот фаолиятини қўллаб-қувватлади.

**Хулоса ва таклифлар.** Дунёдаги техник ва технологик тараққиёт жамиятимиздаги мавжуд эскича карашларни ўзгартириш заруратини



келтирди. Жумладан ижтимоий ва иқтисодий жараёнларда инсонларнинг ахборот технологиялардан маиший эҳтиёжларни тезда қондириш, турли хабарлардан, масалан дўконлардаги нарх – наволар, ҳар турли чегирмалар, акциялар ёки яна аллақандай маълумотларни исталган жойидан туриб олиши савдо корхоналарини инновацион ривожлатириш, такомиллаштириш вақти етиб келганидан далолатдир. Ҳозирда ижтимоий тармоқлар, янгиликлар, смс хабарлари, компьютер ўйинлари ҳамда интернетдаги чексиз ахборот манбаларининг мавжудлиги, улардан фойдаланишда чекловларнинг йўқлиги, сўнгги йилларда савдонинг яна бир ўзига хос тури – online савдо тизими ҳаётимизга кириб келди. У техник ва технология негизида шаклланган бўлиб, савдонинг ўзига хос бўлган айрим жиҳатларни электрон таблоларда ва сунъий онг орқали интернетнинг қулай савдо – мулоқот воситасига айлантириш имконини бермоқда.

Шу сабабдан ҳам Янги Ўзбекистон шароитида барпо этилаётган жамиятимиздаги савдо хизматларини энг юқори жаҳон тажрибасига тенглаштириш учун кенг қўламли ислоҳотлар давлат дастурлари ҳамда бир қатор чора – тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада аҳолининг ва савдо хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини инновацион асосда такомиллаштиришни ривожлантириш ҳаётий заруриятга айланиб қолди.

Инновацион ривожланиш жараёнида савдо корхоналарида хизматларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш концепцион мақсад қилиб олиниши, тажрибадан ўтган жаҳон савдо хизматларини мамлакатимизда ташкил этиш, мавжудларини такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш энг катта вазифамиздир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. // Халқ сўзи 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сон.

2. Ўзбекистон рақамларда (статистик тўплам). - Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2018, 201 бет.

3. <https://stat.uz/uploads/docs/Xizmatlar-uz-12-2017.pdf> .

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017, 430 бет.





5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда —2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сонли Фармони.

6. QOMUS.INFO луғатида

7 Президентнинг 14.03.2024 йилдаги **ПҚ-126-сонли** “Ташқи савдо ва ҳудудий саноатни ривожлантиришда тадбиркорлар бирлашималарининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

8. USAIDнинг “Рақобат, савдо ва бандлик”, деб номланган беш йиллик минтақавий лойиҳаси якунланганлиги муносабати билан Тошкент шаҳрида 2022 йил 21 январь куни минтақавий савдони ривожлантириш ва бандликка кўмаклашиш соҳасида эришилган натижалар ҳисоботи.